

Глобаллашув жараёнида ахборот хуружларининг ёшлар маънавиятига таъсири, оммавий маданиятнинг салбий иллатларини олдини олишда фуқаролар йиғинларига услубий кўмаклашиш масалалари

“Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тизимли, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.”

Ислом Каримов.

Глобаллашув XXI аср жаҳон тараққиётининг объектив қонуниятларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатиши мумкин. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янги маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга мавжуд миллий минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда.

“Глобаллашув жараёнлари XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида бутун инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар тараққиёти, айниқса, ёш авлод учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб берганини ҳеч ким инкор этолмайди. Авваламбор, фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет тизими барча чегараларни очиб бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Лекин одамзот тафаккурининг юксак ва ёрқин намоёни бўлган бундай ютуқлар айни пайтда катта куч-қувват ва молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучларнинг зарarli ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида ишлатилаётганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Одамларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган бундай уринишларнинг асл моҳиятини, уларнинг узоқ ва давомли, салбий оқибатларини англаш ва бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этиб бормоқда”,- деб

ёзади Муҳтарам Президентимиз ўзининг “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” китобида.

“Ахборот асри” деб ном олган ҳозирги даврда ёшлар маънавияти масаласи ниҳоятда долзарблигини муҳтарам юртбошимиз доимо таъкидлаб келадилар. Чунки ёшлар давлатнинг капитали ҳисобланади. Бу капиталдан тўғри ва самарали фойдалана билган жамиятгина яхши ривожлана олади.

Бугунги глобаллашув жараёни глобал ахборот макони вужудга келишига олиб келди. Ахборотлаштириш ва глобаллашув жараёни бири-бирини тўлдириб, таъсир доирасини кенгайтириб бормоқда. Ана шундай бир шароитда “оммавий маданият”нинг заиф томонлари ва ҳодисалари кенг илдиз отиб бораётгани, ахборот хуружининг кучаяётгани ёшлар онги ва фаолиятига жиддий таъсир ўтказмоқда.

“Телевидение ўз имкониятларини тарбия учун сафарбар этаётгани йўқ, аксинча, у ижтимоий феъл-атворнинг энг салбий андозаларини тарғиб этаяпти... Рекламага маҳлиё бўлиб ўтириш ўсмирларда танқидий фикрлаш қобилиятини чеклайди ва тажовузкор феъл-атвори рағбатлантиради”.

“Sessionmagazine.com” электрон журналининг ёзишича, АҚШ теледастурларида шахвониятга оид лавҳалар 1999-2000 йиллар оралиғида 1997-98 йиллар миёнасидагига нисбатан салкам икки баробар ошган: ҳар ўнта дастурдан биттасида жинсий кўшилиш акс этган, мусиқий клипларнинг етти фоизи шу мавзуга бағишланган. 2001 йилги Ҳолливуд фильмларининг учдан икки қисми ҳам шу мазмунда экани аниқланган (<http://www.aao.org/advocacy/childhealthmonth/media.htm>). Оқибатда ўсмирлар 16 ёшга тўлмасданок “парда ортидаги ҳаёт”ни кўриб улгураяпти

Бугунги кун ёшлари интилувчан, янгиликларни бир зумда ўзлаштириб оладиган, ҳар қандай информацияни тез қабул қиладиган ва кўп нарсага қизиқувчан ёшлардир. Шу боис ҳам турли манбалардан ёт мақсадларни кўзлаб тарқалаётган ахборотлардан ёшларни муносиб химоялай олишимиз даркор.

Бундан ташқари янги ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернетнинг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги эса инсоният тараққиётига, айниқса ёшлар ҳаётига янгича мазмун ва моҳият касб этаяпти. Интернет халқлар ва давлатлар ўртасидаги ахборот алмашинувини мисли кўрилмаган даражада тезлаштирди, дунёни инсоният учун том маънодаги “ягона глобал майдон”га айлантди. Қаранг, бу кенг дунё нақадар яқинлик касб этмоқда! Интернетга кириш бир пайтнинг ўзида бутун дунё ахборот бозорига, майдонига киришдир. Хўш бундай ахборот бозорининг ёшлар онгига қандай салбий таъсири бўлиши мумкин? Давримизнинг техникага

узвий боғлиқлиги, баъзида ёшларимиз маънавиятидаги нуқсонларга сабаб бўлаяптими, деб ўйлаб қолади киши...

– турли бузғунчи ғояларни тарғиб қилувчи ахборотлар халқ менталитетига, ёшларнинг эстетик диди, ахлоқий меъёрларига путур этказиши мумкин;

– халқаро ахборот оқимларида мавжуд бўлган зўравонлик, диний экстремизм ва қўпоровчилик, уруш ва қотилликлар, ўз жонига суиқасд қилиш ва порнографик тасвирларни тарғиб қилувчи сайтлар, беҳаё, ур-йикит фильмлар, ичкилик, тамаки маҳсулотларининг рекламалари ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиши, ҳаётини издан иқаришга сабаб бўлиши эҳтмолдан холи эмас;

– ёшларнинг ижтимоий онгини ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёт мафкуралар, маданиятлар таъсирига тушиб қолишига олиб келиши мумкин.

АҚШнинг таниқли сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский шундай ёзади: “...Маданият соҳасида Америка жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жаҳоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабоп мусиқаси, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийинишларига бутун дунёда таклид қиладилар.” Бу борадаги тарғибот воситалари эса анчагина: реклама, матбуот, интернет, кино, телевидение ва бошқа шу кабилар.

Бугун глобаллашув дунё мамлакатларининг сиёсий иродаси, эркин қарор қабул қилишига ҳам гоҳ ижобий, гоҳ салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Барча мамлакатларда саёз ва андозабоз “оммавий маданият” тарқалишини кучайтиради.

Ёш, ривожланаётган мамлакатлар, ёки эндигина мустақилликка эришиб ўтиш даврини бошидан кечираётган халқлар учун унинг ижобий таъсиридан унумли фойдаланиб, салбий таъсиридан ҳимояланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Информацион нотенг ахборот алмашинувидан, интернет ва замонавий технологиялар туфайли ахборотнинг чегара ва тўсиқларидан ўтиб тарқалишидан баъзи бир ғарб доиралари ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринмоқда.

Аслида, ҳеч бир халқ ўз қобиғига ўралиб, бошқа халқлар билан алоқада, мулоқотда бўлмасдан, моддий ва маънавий маҳсулотлар билан, фикр ва ғоялар, фан, адабиёт ва санъат ютуқларини алмашмасдан туриб ривожлана олмайди. Бу қонуният мулоқот ва алоқаларнинг турли

воситалари, усуллари ва йўллари излаб топишни тақозо этади. Жамият тараққиёти тезлашгани сайин алоқага, ахборотга эҳтиёж ортиб боради. Бугун ахборот технологияларининг ривожланиши шиддатли тус олди.

“Оммавий маданият”нинг ўта жўн ҳодисалари саёз ва космополитик мазмунга, шаклий андозабозликка асосланган. Бундай ижрочи ва асарларга муносабат инсоннинг дунёқарашига, савияси ва атрофидаги муҳитга боғлиқ. Лекин, “оммавий маданият”ни ниқоб қилиб олган, аслида ҳеч қандай маданиятга, шу жумладан “оммавий маданият”га ҳам мутлақо алоқаси бўлмаган “асарлар” борки, уларнинг тарқалиб кетаётганлигидан огоҳ бўлмоқ лозим.

Айрим телестудиялар эса туну кун зўравонлик, тажовузкорликдан иборат фильмлару мультфильмлар намойишидан бўшамайди. Ваҳоланки, бола кунига биттадан ур-йиқит, фаҳш, зўравонлик, уруш манзарасидан таъсирланган тақдирда ҳам то 14 ёшга тўлгунча камида 4000 та даҳшатли кадрни кўриши мумкин.

Бугунги кунда вилоятимиз ёшларининг 80% дан ортиғи ахборот коммуникацион технологияларидан кенг фойдаланмоқдалар. Бу жараён ёшларнинг яратилаётган техник ва технологик кашфиётлар тўғрисида кенгроқ маълумот олиш иконини бермоқда. Шунинг билан бирга ташкил этилган интернет сайтлар орқали ўзбек халқининг бой маданий мероси, мамлакатимизда илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ва имтиёзлар тўғрисида маълумотларга эга бўлмоқдалар. Лекин ахборот глобаллашуви жараёни ёшларимиз онгига “оммавий маданият”нинг тўғридан-тўғри кириб келишига сабаб бўлмоқда. Буни олдини олиш мақсадида Ҳаракат ташаббуси билан ёшларнинг “оммавий маданият” га қарши кураш борасидаги фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, 2011 йил давомида ёшлар орасида миллий маънавиятимизни тарғиб қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, четдан кириб келаётган ҳар хил ахборот хуружлари, “оммавий маданият”нинг паст савияли кўринишларига қарши маънавий иммунитетни шакллантириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, баркамол ва соғлом бўлиб вояга етишлари учун турли спорт мусобақалари, фестиваллар, кўрик-танловлар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этишда 500 дан зиёд тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда вилоятимизнинг 200 минг нафарга яқин ёшлари фаол иштирок этди.

“Камолот” ташкилотининг қўйи бўғинидаги етакчи ёшларни жалб қилиш, улар ўртасида миллий маданиятимиз, маънавий меъросимизни тарғиб

этишлари мақсадида “Етакчилар фестиваллари”, “Йилнинг энг фаол етакчиси”, “Президент асарлари билимдони”, “Камолот” ўқув оромгоҳи каби тадбирлар ташкил этилди. Тадбирлар интерфаол усулда ўтказилиб, 450 нафар етакчини қамраб олди.

Вилоят бўлими томонидан руҳшунос олим Мустафоев Фарход Маматович билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди, жумладан, “Деструктив кулът ташкилотларининг ёшлар онгига таъсири” мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилиб, ёшларни ахборот хуружлари таъсирига тушуб қолмаслик, салбий субмаданият оқимига мойиллиги бор ёшлар аниқланиб, улар билан яқка тартибда руҳшунослар иш олиб бордилар. Руҳшунос томонидан алоҳида эътибор ёшлар етакчиларига қаратилиб, уларни ёшлар билан ишлаш, зиддиятли вазиятларни олдини олиш, муаммоли ёшлар билан ишлаш каби масалаларга қаратилди.

2011 йил давомида ўқувчи ёшларни даволатини ошириш уларни оммавий маданиятнинг салбий таъсир этувчи “Гейм клублар”, “интернет кафелар”да ҳамкор ташкилотлар билан 15дан ортиқ рейдлар ташкил этилди. Рейдлар натижасида 355 нафар ёшлар ўқув муассасаларига қайтарилди. Шунингдек, дисклар сотиладиган жойларга 12 маротаба рейдлар ташкил этилди. Рейдлар давомида ёшлар онгига салбий таъсир этувчи фильм ва мультфильмлар ўрганиб чиқилди. Айни кунга келиб ушбу муассаса раҳбарлари билан доимий равишда иш олиб борилмоқда. Ҳамкорликда маҳалладаги уюлмаган ёшлар онгини турли салбий таъсирлардан асрашга қаратилган “Огоҳ бўлинг”, “Ғофиллик”, “Пайнет” фильмлари ёшларга намойиш қилинди.

Шу билан бир қаторда ёшларни мустақилигимизни кенг нишонлаш ёшларда Ватанга муҳаббатни янада ошириш мақсадида мустақиллик байрами арафасида бир ой давомида туман шаҳарларда Республикамининг таниқли санъаткорлари, ёзувчи ва шоирлар ҳамда Олий Мажлис депутатлари билан чекка қишлоқларда ёшлар билан учрашувлар ҳамда “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шиори остида ёшлар фестиваллари ташкил этилди. Ушбу тадбирлар доирасида 50 000 дан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

2012 йил Мустаҳкам оила йили муносабати билан қуйидаги тадбир ва лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирдик:

– Ёшларни миллий маънавий руҳда тарбиялаш мақсадида оммавий ахборот хуружларидан асраш, ёшларни мафкуравий иммунитетини оширишга қаратилган тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, худуддаги ёшлар истак ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда “Миллий ўйинлар” каталогини яратиш;

– Ёшлар орасида миллий маънавиятимизга ёт ғояларнинг тарғиб этилишини олдини олиш мақсадида мавжуд фаол “Маънавият тарғиботчилари” гуруҳларининг кучидан самарали фойдаланиш орқали, таълим муассасаларида ёшларга миллий урф-одатларимиз – инсоний соф севги-муҳаббатни, ота-онага бўлган ҳурмат туйғусини сингдириш мақсадида маънавий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, кучли психологлар билан учрашувлар, таълим муассасаларида, меҳнат жамоалари ва маҳаллалардаги уюлмаган ёшлар вакиллари билан “оммавий маданият”нинг ёш авлод онгига салбий таъсирига доир масалаларни муҳокама қилишга қаратилган давра суҳбатларини ташкил этиш;

“Деструктив кулът ташкилотларининг ёшлар онгига таъсири” мавзусида олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида психологлар билан учрашувлар ташкил этиш, ноқобил оилалар, оилавий ажрим, жиноятчилик, гиёҳвандлик, диний экстремизм, ўз жонига қасд қилиш каби салбий ҳолатларни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни ташкил этиш;

– ота-оналарни масъулиятини ошириш мақсадида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ва фаоллари иштирокида ҳар ойда таълим муассасаларда ота-оналар соатларини ўтказиш;

– мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда фаол ёшлардан таркиб топган ишчи гуруҳларни шакллантириб улар учун ўқувлар ташкил этган ҳолда жамоатчилик назоратини ошириш бўйича рейдлар ташкил этиш;

– Диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида вилоят чекка ҳудудларидаги ёшлар қатлами ўртасида олий ўқув юртлари профессор ўқутувчилари, шоир ва адиблар, имом хатиблар билан учрашувлар ташкил этиш, прозелитизм, миссионерлик каби салбий иллатларнинг ёшлар онгига таъсири олдини олиш мақсадида муқаддас динимиз ислом динининг туб моҳиятини, динимизнинг муқаддас эзгу анъаналарини жойларда тарғиб қилган ҳолда уларни миссионерлар таъсиридан асраб қолишга эришиш, “Камолот” ОАВларида лойиҳасини ташкил этиш орқали маҳаллий газеталарда “Камолот” саҳифаларини очиш;

– ҳар ойда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан олиб борилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида вилоят телерадиокомпаниясида “Камолот ҳудуди” информацион дастурини ташкил этиш;

– ёшлар онги ва қалбида, энг аввало, Ватанимизда олиб борилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатлари учун эканлиги теран англатиш, қонунларга ҳурмат туйғусини

Ўстириш мақсадида вилоят ва туман депутатлар Кенгашларидаги ёш депутатларни ҳар бир тумандаги Ҳаракатнинг бўлимларида “Депутатлар хона”ларини ташкил этиш. Ёшларни депутатлар билан учрашувларини мунтазам ташкил этиш.

Шунингдек, бугунги конференцияда кўрилаётган масала яъни, ахборот глобаллашуви даврида ёшларнинг компьютер ва интернетга бўлган катта қизиқишини инобатга олиб, шу йўналишга оид тўғараклар ташкил этиш ва **уларда компьютер ва интернет имкониятларидан мақсадли фойдаланишни ошириш** ҳамда шу йўл билан ёш авлод онгида айнан интернет ва бошқа ахборот глобаллашуви орқали кириб келаётган “оммавий маданият” ниқоби остидаги бузғунчи ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилиш.

Бу жараёнда биз ёшларнинг ахборот коммуникация соҳасида тўплаган тажрибаларини айниқса Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалидаги ўзбекча компьютер дастурларини яратишга жалб этиш ва бу фаолиятни рағбатлантириб бориш.

Зеро, Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганларидек, “... оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”.

Ана шундай таҳдидларга нисбатан ёшларда ҳаётга соғлом муносабатни, юксак дидни, инсонпарварлик ва миллий маданий ва умуминсоний меросга, қадриятларга муҳаббатни тарбиялаш орқали қарши туриш зарур.

XX аср бошида юртимиз тарихида кечган воқеаларни кўздан кечирсак, бугунгига ўхшаш жараёнга дуч келамиз. Ўзга маданият экспанциясини, миллий қадриятларга беписанд қарашни шакллантиришга уриниш, қадриятларнинг қадрсизланиши хавфини учратамиз. Ўша даврда бу ҳолат мустабид давлатнинг бевосита ҳарбий зўравонлиги ва мустамлакачилик сиёсатидан келиб чиқар эди. Ахборот асри, глобаллашув шароитида эса, очикча мустамлакачилик сиёсати юритиш шарт эмас, биргина оммавий ахборот воситаларидаги мафкуравий кураш уларнинг ўрнини босди. Шу боис Президентимиз Ислом Каримовнинг мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучли эканлиги тўғрисидаги фикри ҳозирги замон курашининг хусусиятларидан келиб чиқарилган адолатли эътирофдир.

Биз бугунги глобаллашувнинг ўзимиз учун салбий таъсирини минимал даражага туширмақчи бўлсак, муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов

асарлари билан бир қаторда маданий меросимизни, жаҳон мумтоз адабиёти ва санъатини, шунингдек, бундан бир аср бурунги мустамлакачилик даврида жаҳид маърифатпарварларининг миллий ўзликни сақлаб қолиш, миллий онг, тафаккурни, жамият ва бошқарув тизимини ривожлантириш борасидаги ғояларини ўрганмоғимиз, бугунги кун талабларига мослаб ундан фойдаланмоғимиз лозим.

Халқимизнинг бой ва узоқ тарихий тараққиёт йўлида бошидан кечирган ҳодисаларни ўрганиш, Кеча ва Бугуннинг асосий муаммолари ечимида улардан фойдаланиш, ибратли хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳидлар ёндашуви жаҳон халқлари маънавиятига ҳурмат билан қараш, фойдали ютуқларни ўрганиш орқали миллатни юксалтириш, айна пайтда четдан кириб келаётган ҳар қандай таъсир воситасини, қадриятни жиддий таҳлил қилиш лозимлигини уқтиради.

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” НИМА?

“Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилгандан сўнг, жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак”.

**Ислом
Каримов**

1. Тарихи

Оммавий маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожлана бошлаши XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келади. “Оммавий маданият” анъанавий маданиятнинг маълум йўналиши сифатида эмас, балки маданиятдаги сифат ўзгариши, ҳаёт тақозаси асосида юз берди. Оммавий ахборот ва коммуникация (радио, кино, телевидение, кўп нусхали газеталар, суратли журналлар, интернет) воситаларининг кескин ривожини ва тарқатилиши бунга сабаб бўлди. Маънавий бойликларни индустриал тижорат ишлаб чиқариш ва тарқатиш, маданиятни демократлаштириш, аҳоли билим даражасини ўсиши

билан бирга унинг маънавий эҳтиёжларида пасайиш жараёни кузатила бошлади.

Тадқиқотчилар оммавий маданиятнинг дастлабки шакли XIX асрнинг 30-йилларида адабиётда пайдо бўлган ва оммалашиб кетган саргузашт жанрини кўрсатишади. Аср охирида ҳафталик оммавий ахборот воситалари ана шундай асарларни тинимсиз чоп эта бошладилар. Вақт ўтиши билан ушбу жараёнга “Юрак матбуоти” ёки “Қалб индустрияси” деб ном бердилар. Аср охирида Америка Қўшма Штатларида оммавий маданиятнинг **комикс** шакли пайдо бўла бошлади. Бу жанр бошда фақат болалар учун мўлжалланган бўлса, бора-бора катталар ҳаётининг ҳам ажралмас қисмига айланди. Аниқроғи, “Оммавий маданият”нинг кескин ривожини XX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Шу вақтдан бошлаб у кенг қамров ва хужумкорлик билан тарқала бошлади.

Анъанавий маданиятда бўлганидек, оммавий маданиятнинг ҳам универсал характеристикаси ҳамон мавжуд эмас. Буни шундай тушунтириш мумкин. Гап шундаки, “Оммавий маданият” илмий-фалсафий категория сифатида ўзига яқдил учта тушунчани қамрайди. Биринчидан, **“маданият”** – алоҳида характердаги маҳсулот. Иккинчидан, **“оммавийлик”** – **маҳсулотни тарқатиш меъёри**. Учинчидан, “маданият” – маънавий бойлик.

2. “Оммавий маданият” ва ҳаёт.

Оммавий маданият ҳозир инсоният ҳаётининг барча жабҳаларига тез кириб бормоқда ва ўзи тарқалиш учун қулай маконни шакллантирмоқда. Коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида ўзига хос комунистик маданият – комунистик Собиқ Иттифоқ минтақасида, мафкуравий темир девор маданиятга жой қолдирмас эди. Темир девор йиқилгач, Оммавий маданият совет республикаларига селдек бостириб кира бошлади, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам. Шунинг учун оммавий маданиятнинг намоён бўлиш ҳолатларини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим заруриятга айланди. Файласуф А. Я. Флиер таклифига биноан оммавий маданият кўринишлари ҳамда йўналишларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- “Болалар субмаданияти” индустрияси;
- Оммавий ижтимоий мифология; одамга мураккаб қадриятлар йўналиши тизимини жойлаштириш; дунёни кўп қиррали тушунишини оддийлаштириш;
- Оммавий дам олишнинг ташкилий турларини, турли шоуларни, кизиқиш ва дам олишни саноат асосига кўчириш;
- Соғломлаштиришга қаратилган дам олиш индустрияси;
- Эҳтиёжни қондиришни бошқариш ва индивидуал, шунингдек, жамоа фойдаланадиган хизматлар, таклифларни рағбатлантириш тизимини ташкил этиш (реклама, имиджмейкерлик ва ҳоказо).
- Ҳар хил ўйинлар, механик ўйинлардан тортиб, электрон, компьютер ва бошқа воситалардан фойдаланиш;

³Шундай қилиб “оммавий маданият” – бир ўлчамли ҳодиса эмас. У ўзига хос тур ва даражага эгадир. Ҳозирги замон маданиятшунослигида, одатда, оммавий маданиятнинг учта асосий даражасини кўрсатадилар;

1. Кич – маданият (паст даражадаги, вульгар, беҳаёлар маданияти)
2. Мид – маданият (“ўртамиёна” маданият);
3. Арт – маданият (маълум бадиий мазмун ва эстетик қийматга эга маданият).

“Кич” сўзи немисларнинг “kitschen” олмошидан ҳосил бўлган ва савияси паст, арзон ва жўн асар яратиш, сотишни билдиради. Бундай асарлар ҳақиқий санъат дурдоналари соясида пайдо бўладиган бўш, эсан тез чиқиб, унутиладиган маданият маҳсулотларидир.

Муаммоларни чекланган, ҳаётдан узоқ қилиб тасвирлаш, образларни, ғоя ва сюжетларни қолипга солиш, майда турмуш ташвишларига ўралашиб қолган қатламга мўлжалланган маданият асарларини яратиш.

Мид-маданиятнинг қамрови кенг, даражаси анча баланд. У анъанавий маданиятнинг айрим хусусиятларини акс эттирса ҳам, оммавий маданиятга бевосита тааллуқлидир.

3. Санъатда намоён бўлиши

Арт маданияти одатда, аҳолининг билимли қисмига мўлжалланган оммавий маданиятдир. Унинг вазифаси оммавий маданиятни максимал даражада анъанавий маданият стандартларига яқинлаштиришдан иборат.

Бундан ташқари баъзи бир мутахассислар оммавий маданиятнинг яна икки алоҳида турини – **попмаданият** ва **рокмаданият**ни ҳам кўрсатадилар, чунки ҳаёт уларнинг ҳам яшовчанлигини ҳамда муайян табақадаги кишиларнинг онгини эгаллаганлигини кўрсатди.

Бунинг боисини америкалик сиёсатшунослар ҳам танолишди. Бу ҳақда Збигнев Бжезинский шундай деган эди: “Агар Рим дунёга – ҳуқуқни, Англия – парламентни, Франция – маданият ва миллий республикачиликни берган бўлса, АҚШ – дунёга илмий-техника революциясини ва оммавий маданиятни тортиқ қилди”.

АҚШда бўш вақт, яъни дам олишни саноат асосига кўчирган. Аҳолининг бадиий жиҳатдан унчалик юксак бўлмаган талабларини қондириш (ёки ушбу талабларни шакллантириш) мақсадида оммавий бадиий адабиёт (фантастика, саргузашт, бульвар адабиёти, “аёллар” романи) дунёга келди. Шунингдек, арзон-гаров жангари, триллер, мелодрама ва бошқа фильмларнинг ғояси ва ўлчами битта – одамларнинг америкача муносабатларини қарор топтириш, мусиқа жанрида ҳам асосан ана шу мақсад кузатилади.

XX асрда **жаз**нинг юзага келиши ва ривожланиши билан дунё мусиқа маданиятини ўзгартириб юборди. Жаз XX аср арафасида дунёга келди. Унинг томири негрларнинг анъанавий маданиятига бориб тақалади. Мусиқадаги ритмик паузаларнинг кучайиб, пасайиб туриши қора

танлиларнинг “спричуэлс”, регтайм ва блюз каби ўзига хос ўйинларини эслатиб туради.

XX асрда ўйин маданияти мислсиз миқёсда тарқалди. Жаҳонни егаллади. У бўш вақтни ўтказиш воситасига айланди. Дансинг ва дискотекага сиғиниш юзага келди. Муסיқа шаклининг ривожланиши, эскиларининг йўқолиши ва ўйинда янги стил усулларининг кириб келишига сабаб бўлди. 1920 йилларда “**Чарлстон**” модада бўлса, кейинчалик унинг ўрнини “**степ**”, “**чечетка**”, жаздан ажралиб чиққан ирланд жигиси кейинроқ, 50 йилларда “**рок-н-ролл**”, 60 йилларда “**шейк**” ва “**твист**” хитга айланди ва унинг оммавийлигини таъминлашда барча воситалар иштирок этди: грампластинкалар чиқарилди, телевидение ва радиомаҳсулотлар тарқатилди. Бу “оммавий маданият” тарқатилишидаги энг омадли тижорат лойиҳаси эди.

– Диско ўйин йўналиши ҳозирги кунларимизгача етиб келди, у жуда оммавий бўлмасада, ҳали бор.

⁵“Оммавий маданият” бугун иқтисодиётнинг энг даромадли тармоғига айланиб бормоқда. Уни ҳозир “қизиқишлар индустрияси”, “тижорат маданият”, “поп-маданият”, “бўш вақтдан фойдаланиш индустрияси” деб атаётганлар. Маълумки, меҳнаткашларнинг маълум қисмида бўш вақт сероб. “Оммавий маданият” мазмунини бойитишни тақоза қилади, чунки мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг тобора саноатлашиши, автоматлаштириш жараёнида аҳоли ўртасида “бўш вақтни ёпиш эҳтиёжи” ҳам ошиб бормоқда. Ана шу жараёндан ҳосил бўладиган муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжи “оммавий маданият”ни юзага келтирмоқдаки, бу айниқса одамнинг онгига, яъни адабиёт ва санъатнинг барча турларига бевосита боғлиқдир. Кейинги ўн йилликда маданиятни демократлаштиришда кино, телевидение, кассета, спорт албатта (унинг томошабинга тааллуқли қисми) жуда муҳим каналлар ҳисобланмоқда. Улар айти пайтда турли тоифадаги одамларнинг тўпланишига сабаб бўлмоқда. Кўпинча уларни бирлаштирган истак – ўзларини психологик жиҳатдан бўшатиб олиш истагидир.

“Оммавий маданият” бозордаги товарга айланиб, муайян хусусиятлар касб этди. Аввало у “оддий” (буни жўнлик деб атаса ҳам бўлади). Чунки кўпинча бундай маҳсулотлар “кўча одами”га мўлжаллангандир. Оммавий маданият ўз вазифасини тўла бажариши, яъни ишлаб чиқаришдаги асабийликларни олиб ташлаши учун у энг камида қизиқарли бўлиши лозим. Албатта, бундай маданий маҳсулотлар интеллектуал жиҳатдан етарлича ривожланмаган одамлар эҳтиёжини қондириши мумкин ва инсон онги, кечинмаларига таъсир этади. Шунинг учун ҳам “Оммавий маданият”нинг “энг қизиқарли” ва ҳаммага тушунарли мавзулари – муҳаббат, оила, карьера, жиноятчилик ва хўрлаш, саргузашт, кўрқинч ва ҳоказолардир.

Мавзулар эксплуатациясидан унинг эгалари катта даромадлар олмоқдалар.

“Оммавий маданият” байналминал ва миллий бўлиши мумкин. Эстрада муסיқаси бунга мисол бўлади: у ҳаммага тушунарли ва барча ёшдагиларга, билим даражасидан қатъий назар, аҳолининг барча қатламларига ўнғай.

“Оммавий маданият”нинг бадий қиммати халқ маданиятидан пастрок бўлади. Лекин унинг аудиторияси кенгроқ, чунки у муаллифли, у одамларнинг **ҳозирги дақиқалардаги** эҳтиёжини қондиради, ҳар қандай янги воқеа ва ҳодисаларга хозиржавоб бўлади. Маълум вақт ўтгач, улар ўз долзарблигини йўқотади, эскиради ва моладан қолади. Юксак даражадаги асарлар ва халқ маданияти бундай қисматга учрамайди.

1917 йили большевиклар ҳукуматга келгач, аввало улар маданиятни ислоҳ қила бошладилар. Бадий ижод аҳлидан пролетарлаштирилган халққа асарлар яратишни талаб этдилар. Улар шундай шиорни олға сурдилар: “Санъат халққа тушунарли бўлиши лозим”. Большевиклар бу шиорни немис марксисти Роза Люксембургга тегишли, деб эълон қилдилар. Кейинчалик у аслида бундай демаганлиги маълум бўлди. У шундай деган экан: “Санъатни халқ тушуниши лозим!” Биринчи шиорда юксак маданиятни онги жўн халойиқ, оломон даражасигача тушириш назарда тутилган. Иккинчисида халқни жаҳон маданияти даражасига кўтариш учун ўқишга ва такомиллашишга чақиради.

4. Ҳаммабоплик сабаблари

Энди оммавий маданиятнинг машҳурлик ва ҳаммабоплик сабабини аниқлашга уриниб кўрамиз. Аҳоли билан уларга тушунарли бўлган ўртача тилда мулоқот ва муносабат қилиниши оммавий маданият усулларининг муҳим жиҳати ҳисобланади, бундан ташқари, бошқа киши онгига бевосита боғлиқ жиҳатлари ҳам бор. Масалан, индивиднинг ижтимоий воқеа ва жараёнларда маънавий ва интеллектуал иштирок этишни ҳохламаслиги. Бошқача айтганда, кўпчилик жамият аъзоларининг онги пассивлиги. Бунга ёшларнинг маълум қисмида маданият маҳсулотларига, жумладан, “оммавий маданият”га сўнгги стандарт деб қараш истагидир. Ахборот технология воситаларининг кучайиб кетганлиги боис бўш, ўта саёз маданият маҳсулотлари ҳам бозорга чиқарилмоқдаки, уларнинг кўпчилиги маънавиятни юксалтириш мақсадида эмас, балки тижорат мақсадида тарқатилмоқда. Натижада анъанавий маданият маконида мумтоз халқ ижодиёти ёнида аҳоли онгини билим ва тафаккурини ўтмаслаштирадиган ижод маҳсуллари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизда бир қатор ташкилий-маърифий, маънавий ва моддий чоралар кўрилмоқда, албатта, лекин бундай маҳсулотлар ҳаётимизга селдай кириб келиши ҳамон тўхтамаётир. Бу эса мутасадди маданий ва илмий жамоатчилик олдига муҳим вазифалар қўяди.

5. “Оммавий маданият” ва ёшлар

XX асрнинг 80-йиллар иккинчи ярмида собиқ шўролар мамлакатада бошланган истиқлолга интилиш ҳаракатлари шўролар давридаги мудроқликка чек қўйди. Коммунистик цензура ҳамма вақт ёқтирмай танқид қилиб келган “оммавий маданият” оммавий ахборот воситасида ҳаётимизга

фаол кириб келди ҳамда аҳоли ўртасида яшиндек ёйила борди. Бунга катта ёшдагиларнинг маълум даражада қаршилик кўрсатгани, қабул қилолмагани, анъанавий маданий кадриятлар улар онгу-шуурига анча чуқур ўрнашгани кўзга ташланиб турди. Лекин ёшларнинг катта қисми, айниқса, талаба ёшлар шўро даври маданий кадриятларига танқидий кўз билан қарадилар. Янги замон “оммавий маданият” маҳсулотларининг кутилган харидорига айландилар. Улар учун бу маҳсулотларнинг ўзимизники ёки хорижники эканлиги унчалик ҳам аҳамиятли эмас эди ва ҳамон шу жараён давом этмоқда. “Жаҳон тўри” деб ном олган интернет тизими орқали “оммавий маданият” маҳсулотлари ҳеч қандай тўсиқсиз мамлакатимизга кириб келмоқда ва айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарқалмоқда.

Маълумки, ўсмирлар, ёшлар, талабалар янгиликка интилувчан, тенгқурларига ҳавасманд, модапараст, хориж стандартларини осон қабул қилишга ружу қўйган бўлади. Улардаги ана шу ижтимоий-психологик ҳолат кириб келаётган шубҳали кадриятларга танқидий ёндашувни чеклаб қўймоқда. Мақбул ёки номақбуллиги ҳақида муайян фикр-мулоҳазаси бўлмаган ёшлар ҳаётимизга, миллий минталитетимизга мос келмайдиган мафкуравий маҳсулотларни матбуот орқали қабул қилишга ошиқмоқда. “Оммавий маданият” ташқи кўриниши, осон ўзлаштирилиши билан уларни кизиқтирмоқда. Турфа ғоя ва рамзлар замонавий модалар оммавий маданият маҳсулотлари ёшлардан чуқур фикр-мулоҳаза юритишни талаб этмайди, ҳар хил ҳаёт ташвишларидан, турмуш муаммоларидан “халос” этади, жасадни ва руҳни дам олдириш, уларни ўқишга, билим олишга эмас, балки ўйнаб-қувнаб, “яшаб олиш”га чақиради. Аслида “оммавий маданият”нинг, уни тарқатаётганларнинг ҳам асл мақсадлари шундан иборат. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этишини ва “оммавий маданият” муаллифлари айнан ана шу аудиторияни назарда тутаётганини эътиборга олсак, вазифаларимиз масъулияти аниқ аён бўлади.

Ёшларнинг бадиий эҳтиёжларини қондириш, улар ўртасида “оммавий маданият” маҳсулотларининг тарқалмаслиги учун муайян ишлар амалга оширилаётир, албатта уларнинг санъатга, адабиётга ва бошқа маънавий маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиб бориш ҳозир изчил олиб борилмоқда.

Олий ўқув юртида ўқиш даврида талабаларнинг санъатга бўлган эҳтиёжларида муайян ўзгаришлар юз беради. Масалан, ўтказилган сўровлардан маълумки, биринчи курсдагиларнинг катта қисми санъатни ўз дунёқарашларини кенгайтириш, тасаввурларини бойитиш воситаси деб билишади, ундан завқланиш, роҳатланиш, вақтни мазмунли ўтказиш каби хусусиятларига иккинчи даражали деб қарашади.

Битирувчиларда эса аксинча, санъатни кундалик ташвишлардан халос этиш воситаси деб қараш энг юқори балл, яъни 53,5 фоиз овоз олди, яъни сўровда қатнашган битирувчиларнинг шунчаси санъатга шундай восита деб қарар экан. Уларнинг орасида санъатга эстетик завқ бериш манбаси деб қаровчилар ҳам оз эмаслиги маълум бўлди. Биринчи курсларга нисбатан

санъатни ижодга рағбатлантирувчи восита деб қаровчилар 7,7%, кадриятларни шакллантириш воситаси деб қаровчилар эса 5,2% кам экан.

“Оммавий маданият”нинг ҳаётимизга бостириб келишида дастлаб оммавий ахборот воситалари асосий ролни ўйнади. Бугунга келиб эса, реклама унинг ажралмас йўлдошига айланиб қолди. Бозор қонуниятлари “оммавий маданият” маҳсулотларини кенг тарқатишдан манфаатдор бўлиб майдонга чиқмоқда. Замонавий аудио-видеотехникалар, овоз ёзиш ва кучайтиргич асбобларининг юзлаб турлари “оммавий маданият” маҳсулотлари рекламаси билан кун кўрмоқдалар. У саноат асосига кўчирилгач, ўртача, бўш “оммавий маданият” маҳсулотларини кўпайтириш ва сотиш бўйича қудратли тизим яратилди. Истаган дўкондан дунёнинг ҳар қандай хонанда ёки созандаси ижро этган қўшиқ, клип аудиовидеотасмасини топиш мумкин. Санъатга, “оммавий маданият”га масъулиятсизлик билан муносабатда бўладиган, енгил-елпи ижод билан элга танилган санъаткорлар армияси пайдо бўлди. Ўзлари шоир, ўзлари композитор бўлган, мусикий махсус билими бўлмаган жуда кўплаб гуруҳлар пайдо бўлди ва улар ўз маҳсулотларини истаганча реклама қилмоқдалар. Ёшлар эса ана шундай сийқаси чиққан, лекин маълум маънода “ўз аудиториясини топган”, “санъаткор”лар армияси билан юзма-юз турибдилар. Реклама – яратувчи куч эмас, балки у оммавий психологияни акс эттирувчидир.

Баъзан клипларда чиройли қизлар ва йигитлар нима деётганлигини ўзлари ҳам тушунишмайди. Кучли мусиқа садоси остида нималардир дейишади, машиналарга ўтириб қаерларгадир боришади. “Оммавий маданият” маҳсули бўлган бундай “асарлар” миллат менталитетини пасайтиришга хизмат қилаётгани сир эмас. Реклама нима дейди? Бирорта ширин ичимликни истеъмол қилиб чексиз роҳат ва фароғат олиш мумкин. Бирор нарсага эришиш учун жон куйдириш, тер тўкиб, меҳнат қилиш шарт эмас, ичимликни сотиб олиш керак ва уни истеъмол қилиш керак. Ёки ёзиб олинган фонограммага мос қилиб, лабни қимирлатиб туравериш керак, тамом вассалом. Энди ўсиб, жамиятга кириб келаётган ёшларга, ўсмирларга ҳам ОАВлар шундай таълим бермоқдалар ва у қай бир даражада ўз харидорини топмоқда ҳамда онгига таъсир этмоқда. Демак, “оммавий маданият”нинг ана шундай сийқаланиб, жўнлашиб бориши ҳаммамизни огоҳликка чорлаши лозим.

“Оммавий маданият” ўз ғирдобига ёшларни тартиб олмасдан олдин, уларни миллий урф-одатлар, тарихий кадриятларимиз руҳида тарбия ишларни жадаллаштиришимиз лозим.

Тарбия – жамиятнинг бош вазифаси. Шунинг учун бу масалани бир-икки тизим зиммасига юклаб қўйиш билангина ҳал этиб бўлмайди. Биринчидан, тарбия – она қорнида ҳомилани парвариш қилишдан бошланиб, инсон умрининг сўнгги дақиқасигача изчил давом этадиган умрлик вазифа. Иккинчидан, кишилиқ ҳаёти шундай мураккаб жараёнки, тарбия билан амалда жуда кўп соҳалар шуғулланади. Учинчидан, улардан битрортасини четлаб ўтиш ё иккинчи даражали деб ҳисоблаш кемтикликка сабаб бўлади, мукамал инсонни тарбиялаш орзугина бўлиб қолади.